

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
Махсус Таълим Вазирлиги**

**Бухоро озиқ - овқат ва енгил саноат
технологияси институти**

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

**«ХУҚУҚШУНОСЛИК»
фанидан**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

(Барча йўналишлар бўйича сиртқи таълим талабалари учун)



БУХОРО 2006 й.

«Ижтимоий фанлар» кафедрасининг 2006 йил ----- № сонли
йиғилишида муҳокама қилинган.

Институт услубий кенгашида тасдиқланган. Баённома №---- 2006 йил

Т У З У В Ч И Л А Р : доц. Мирзақулов. Б.Т

асс. Бобожонова.Ф.Х

Т А Қ Р И З Ч И Л А Р : проф. Наврўзова.Г.Н

к.ўқитувчи Жанобилова М.К.

К И Р И Ш

Демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришнинг асосий шартларидан бири жамият аъзоларида зарур даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир. Айниқса, талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бу борада ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гап борганда, биринчидан, унинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, тушуниши ва тўғри англаши, иккинчидан, булардан амалий фаолиятида фойдаланиш ҳақида фикр юритмоқ лозим. Талабалар ҳуқуқий маданиятининг асосий элементларидан бири - бу ҳуқуқий фаолликдир. Ҳуқуқий фаолият ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқ ва қонунларга бўлган ҳурматига таянади. Ҳуқуқ жамиятдаги барча муносабатларни тартибга солар экан, ҳуқуқий ҳуқ - атвор ва фаолият келажакда республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У ёшларимизга ўзларининг меҳнат, дам олиш, сиёсий ва маданий ҳаётдаги шахсий ҳуқуқлари, қизиқишларини қондиришда қонунлардан фойдаланишга имкон яратади.

Олий мақсадимиз адолатли демократик жамият барпо этиш экан, энг аввало, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларининг мазмун-моҳиятини, қонунларнинг манфаатимизга хизмат қилишини чуқур англаб олиб, ҳақ-ҳуқуқларимиздан тўғри ва одилона фойдалана билишимиз керак.

Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” асарида шундай ёзган: “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қимматини ва бошқа ажралмас ҳуқуқи ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролар жамиятини шакллантириш сиёсатимизнинг олий мақсадидир”. Демак, бундай давлатни вужудга келтириш учун бутун аҳолини ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳуқуқий фаолликни ошириш лозим. Зеро, демократиянинг энг муҳим тамойилларидан бири қонуний-ҳуқуқий замин яратилишидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқни ўрганиш, унинг турли соҳаларини чуқур таҳлил эта билиш ва ҳуқуқий хулоса чиқара олиш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқшунослик фанини ўрганиш бу вазифани адо этишда талаба-ёшларга яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз.

Ҳуқуқшунослик фанидан дастур

1 - МАВЗУ. ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ МОҲИЯТИ, БЕЛГИЛАРИ, ШАКЛЛАРИ.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети ва методлари. Давлат ва ҳуқуқ назарияси – давлат ва ҳуқуққа тегишли билимлар тизимидир. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг универсал методлари. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг хусусий илмий методлари. Социологик. Статистик усул. Кибернетик усул. Қиёсий-ҳуқуқий усул. Расмий-юридик усул. Фуқаролик жамияти ва давлат тушунчаси. Фуқаролик жамияти – ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Маълумки, давлат, ҳуқуқ ва жамият бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Давлат ҳокимиятнинг ичида мавжуд бўлиб ҳуқуқни келтириб чиқаради. Ўз ўрнида ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Давлат ва ҳуқуқ таъсири билан жамият ўзгаради. Ҳуқуқ давлат учун ҳам жамият учун ҳам муҳим бўлгани ҳолда ҳамма учун мажбурий ҳисобланади.

Жамият ва давлат ўзаро алоқадор. Фуқаролик жамияти қурилиши – бу фақат сиёсий тизимни демократлаштириш эмас, балки иқтисодда ҳуқуқий принципларни тиклаш, ҳўжалик фаолиятини демократик асосларда тубдан қайта қуриш ҳамдир. Давлатнинг келиб чиқиши ва шунга доир назариялар. Теологик назария. Патриархал назария. Шартнома назарияси. Зўрлик назарияси. Ирригация назарияси. Синфийлик назарияси. Давлат ва унинг белгилари, шакллари. Давлатнинг моҳиятини тушунишда асосий назарий ёндашув. Ижтимоий ёндашув. Синфий ёндашув. Сиёсий-ҳуқуқий ёндашув. Давлатнинг асосий белгилари. Давлатнинг асосий функциялари. Ички функциялари. Ташқи функциялар. Давлатнинг шакллари. Сиёсий режим. Давлат механизми. Жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасалари тизими. Давлат идораси.

Ҳуқуқий давлат ва унинг белгилари. Ҳуқуқий давлат – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этилган демократик давлат. Ҳуқуқий давлат белгилари. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Конституция ва қонунларнинг устунлиги. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш, таъминлаш. Давлат ва фуқаронинг ўзаро маъсулияти. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши. Суднинг мустақиллиги. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ишлаши. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори эканлиги. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Таянч иборалар;

Давлат, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, давлатнинг белгилари, давлатнинг шакллари, давлатнинг функциялари, давлат механизми, давлатнинг келиб чиқишига оид назариялар.

2- МАВЗУ. ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, МОҲИАТИ БЕЛГИЛАРИ, ТИЗИМИ ВА МАНБАЛАРИ.

Ҳуқуқ, унинг белгилари ва вазифалари. Ҳуқуқ – бутун жамиятнинг умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидалари тизимида ифодаланган иродасидир. Юридик тушунча сифатида ҳуқуқ объектив ва субъектив ҳуқуқларга бўлиниши. Объектив ҳуқуқ-умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси. Ҳуқуқ нормалари юридик кучга эга бўлади, доимо тегишли норматив актда мужассамлашади ва умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидалари ҳисобланади. Ҳуқуқнинг асосий белгилари, барча учун мажбурлийги, ҳуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа манбаларда ифодаланиши, субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиш, давлат томонидан таъминланганлиги.

Ҳуқуқнинг асосий функциялари. Тартиб солиш функцияси. Муҳофаза қилиш функцияси.

Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар. Табиий ҳуқуқ назарияси. Ҳуқуқнинг тарихий назарияси. Ҳуқуқнинг психологик назарияси. Ҳуқуқнинг ижтимоий назарияси. Ҳуқуқнинг синфийлик назарияси.

Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни. Ахлоқ ва ҳуқуқ. Ахлоқ-кишининг жамиятдаги ҳуқуқини норматив тартибга солиш усуллардан биридир. Ахлоқ-ижтимоий онг шаклларида бири, шу боис бутун ижтимоий онг сингари унинг ҳам тузилиши бир хил эмас. Ахлоқнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, ахлоқ нормаларига амал қилиш жамоатчилик фикри орқали таъминланади. Ҳуқуқ – маълум юридик шакллар, яъни манбаларда-қонун, фармон, қарор ва ҳуқуқда намоён бўлувчи ижтимоий ҳуқуқ-атвор қоидаларининг қатъий ифодаланган тизимидир.

Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши. Ҳуқуқ нормаси – давлат томонидан белгиланадиган, қарор қилинадиган ва бу муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий ҳуқуқ-атвор қоидаларидир. Ҳуқуқ манбаи ва унинг турлари. Ҳуқуқни объектив ифодалаш усулларида ҳуқуқ манбаи дейилади. Ҳуқуқий одат. Юридик прецедент. Норматив ҳуқуқий ҳужжат. Норматив шартнома. Ҳуқуқ тизими, тармоқлари ва институтлари. Ҳуқуқ тизими – турли-туман, лекин ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган юридик нормалар йиғиндиси. Ҳуқуқ институти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш институтлари Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қўйидаги асосий тармоқлариконституциявий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқ жиноят ҳуқуқи. ер ҳуқуқи, аграр ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, фуқаролик-процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқ, хўжалик-процессуал ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари. Қонун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимиятининг олий органи ўз ваколати доирасида чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва Қорақалпоғистон Республикасининг норматив

ҳуқуқий ҳужжатлари, Давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг қарорлари.

Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши. Ҳуқуқий муносабатлар, объект, субъект ва мазмун. Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари. Ҳуқуқий лаёқат.

Ҳуқуқбузарлик, унинг белгилари ва турлари. Ҳуқуқбузарлик – жамият учун хавfli бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари. Ҳуқуқбузарлик турлари. Фуқаролик-ҳуқуқий. Маъмурий. Интизомий. Жиноий

Таянч иборалар;

Ҳуқуқ, ҳуқуқ ва ахлоқ, ҳуқуққа амал қилиш, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ манбаси, ҳуқуқбузарлик.

3- МАВЗУ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси. Маъмурий ҳуқуқ– бу давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Давлат бошқаруви – бу ташкил этувчи фаолиятдир. Давлат бошқаруви органларининг функциялари қўйидагилар истиқболни белгилаш, режалаштириш ташкил этиш тартибга солиш умумий раҳбарлик тезкор фармойиш бериш мувофиқлаштириш кузатувлар ва назоратни амалга ошириш. Маъмурий ҳуқуқ тизими. Умумий қисм. Махсус қисм. Маъмурий ҳуқуқнинг махсус йўналиш бўйича ўрганилади иқтисодий соҳаси, ижтимоий-маданий соҳа маъмурий-сиёсий фаолият тармоқлараро бошқарувлар.

Маъмурий ҳуқуқ предмети. Уни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Маъмурий ҳуқуқ манбалари. Ўзларида маъмурий ҳуқуқ нормалари бўлган давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

Маъмурий-ҳукукий муносабатлар, маъмурий-ҳукукий нормалар. Маъмурий ҳуқуқ нормалари-бу қонунга таянган давлат ҳокимияти қоидалари воситалари орқали белгиланган ва таъминланган, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни бошқаришга даъват этилган ижтимоий тузумнинг табиатидан келиб чиқади. Маъмурий ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос хусусиятлари. Маъмурий-ҳукукий нормаларнинг турлари. Маъмурий ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиш усуллари. Маъмурий ҳуқуқнинг асосий тамойиллари. Маъмурий ҳуқуқда субъектлар.

Бошқарув органларининг энг муҳим белгилари. Умумреспублика органлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши. Марказий бошқарув органлари. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари. Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари. Давлат қўмиталари. Маҳаллий бошқарув органлари. Ҳокимлар. Жойларда ҳўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишнинг айрим тармоқларини бошқариш учун ҳокимлар томонидан тузиладиган ҳокимликларнинг бўлимлари, бошқармалари ва хизматлари.

Давлат бошқарувининг шакллари ва усуллари. Бошқарув фаолиятининг асосий шакллари. Давлат бошқаруви усуллари. Маъмурий жавобгарлик ва маъмурий жазо. Маъмурий жавобгарлик-бу юридик жавобгарликнинг бир туридир. Унга маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда (ҳатти-ҳаракат) қилган айбдор бўлган шахслар тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади

Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик мезони чораси ҳисобланади. Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг

Ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Маъмурий жазо турлари. Жарима. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш. Мусодара қилиш. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш. Маъмурий қамокқа олиш.

Таянч иборалар;

Маъмурий ҳуқуқ, маъмурий жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқ муносабатлари, маъмурий ҳуқуқ меъёрлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жазо, давлат бошқарув органлари.

4- МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси. Фуқаролик ҳуқуқи-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида тенглик, хоҳиш-ирода мухторийлиги ва мулкӣ мустақиллик асосларида юзага келадиган мулкӣ муносабатлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ёхуд боғлиқ бўлмаган шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети – ҳуқуқ субъектининг муайян бир мол-мулкка алоқаси моҳиятини аниқловчи, ашёнинг (мулкнинг) бир хил шахслардан бошқаларга ўтишини тартибга солувчи, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларини тузиш ва улар бўйича олинган мажбуриятларни бажариш қоидаларини белгиловчи, шунингдек, етказилган мулкӣ ва маънавий зарарни қоплаш тартибини кўрсатиб берувчи ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Мулкӣ муносабатлар. Шахсий ҳуқуқий муносабатлар. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг асосий хусусияти. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари субъектлари жисмоний шахслар- юридик шахслар. Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати. Фуқаролик муомала лаёқати. Васийлик. Ҳомийлик.

Юридик шахслар. Уларнинг турлари. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати. Юридик шахснинг муомала лаёқати. Юридик шахсни тугатиш. Битимлар, уларнинг турлари, шакллари. Битим- фуқаролар ва ташкилотларнинг

фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаш, ўзгартириш, тўхтатишга қаратилган ҳаракатлардир. Битимларнинг турлари. Битимларнинг шакллари

Мулк ҳуқуқи – ўз эгасига унги тегишли мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича ваколатлар берувчи ашёвий ҳуқуқдир. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Мулк ҳуқуқини муҳофаза этиш усуллари. амалга оширишдаги тўскинликларни бартараф этиш талабидир.

Мажбурият ҳуқуқи. Фуқаролик – ҳуқуқий шартнома-бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир. Муаллифлик ҳуқуқи. Ворислик ҳуқуқи.

Таянч иборалар:

Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий лаёқат, муомала лаёқати, жисмоний шахслар, юридик шахслар, битимлар, мулк ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи.

5-МАВЗУ. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ АСОСЛАРИ.

Истеъмолчиларнинг товар (иш ва хизмат) тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи. Истеъмолчилар – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиши мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи, ёхуд шу ниятдаги фуқаролардир. Демак биз кундалтик ҳаётимизда эҳтиёжимизни қондириш мақсадида, савдо дўконларидан истеъмол товарларни сотиб олишимиз билан истеъмолчи номини оламиз. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун. Товарнинг сифати. Товарлар тўғрисида нотўғри маълумот берилганда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари. Истеъмолчининг нуқсонли товар сотилгандаги ҳуқуқлари.

Олди-сотди шартномаси. Истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот сотиш оқибатлари. Сотувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтариб бериш чоғида истеъмолчи чакана олди-сотди шартномасида белгиланган

товарнинг баҳоси билан унинг талаби ихтиёрий суратда қондирилган вақтдаги, агар талаб ихтиёрий суратда қондирилмаган бўлса, суд қарор чиқарган пайтдаги тегишли товарнинг баҳоси ўртасидаги фаркни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Таянч иборалар:

Истеъмолчи, истеъмолчи ҳуқуқи, товарнинг сифати, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сифатсиз маҳсулот чиқариш оқибати.

6- МАВЗУ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ.

Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, унинг томонлари ва субъектлари. Мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хусусий тадбирлар билан меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган барча шахслар меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғи меҳнат ҳуқуқи ҳисобланади. Меҳнат ҳуқуқи меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, амал қилиши ва бекор қилинишини тартибга солади, ходимларнинг биргаликдаги меҳнатлари режимини белгилайди, меҳнат мезони, меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари ва меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Меҳнат ҳуқуқининг асосий мазмунини. Меҳнат жараёни. Меҳнат муносабатлари. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари, Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари. Меҳнат шартномаси муддатга тузилган. Меҳнат шартлари.

Иш вақти, дам олиш вақти, таътиллار ва иш ҳақи. Иш-вақти қонун билан унинг асосида белгиланган вақт бўлиб, бу вақт мобайнида ходим ёки меҳнат тартиби асосида белгиланган қоидаларига мувофиқ суратда, ўз меҳнат вазифалари мос равишда хизмат бурчини бажариши лозим.

Дам олиш вақти ходим меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган вақт бўлиб, бу нафақат ходим учун аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлмай, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеликдир. Йиллик меҳнат таътили Меҳнат шароити Меҳнат қонунчилиги. Меҳнат муҳофазаси, меҳнат

низолари ва уларни кўриб чиқиш тартиби. Меҳнат шароити. Меҳнат қонунчилигига. Меҳнат низолари. Ишга тикланиш. Меҳнат низолари

Таянч иборалар:

Меҳнат ҳуқуқи, шартнома ва келишувлар, меҳнат шартномаси, меҳнат интизоми, меҳнат нозолари, меҳнат муҳофазаси, меҳнат низолари комиссияси, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат таътили.

7-МАВЗУ. ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

Оила ҳуқуқи тушунчаси, предмети, тамойиллари ва манбалари. Оила узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасидир, жамият тузилишининг объектив зарур, ажралмас қисмидир. Оила вазифаларни. Оила ҳуқуқи эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғидир.

Оила ҳуқуқи предмети – оилавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат. Оила ҳуқуқи нормалари қўйидагилардир. Оила ҳуқуқининг манбаси. Оила ҳуқуқининг асосий қоидалари. оилада барча масалаларни ҳал қилишда эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлиги. оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш. балоғатга етмаган болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш. бир никоҳлик. Никоҳ иттифоқининг эркинлиги ва ихтиёрийлиги. Оилавий муносабатлар қатнашчиларининг бир-бирини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳамда бир-бири тўғрисида ғамхўрлик қилиши.

Никоҳ тушунчаси. “Никоҳ-бир-бирини севган ва никоҳ ёшига етган эркак ва аёлнинг умуминсоний қадриятлар ва Шарқ анъаналарига асосланган оилада болаларни тарбиялашга йўналтирилган, ўзаро шахсий номулкий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган қонун асосидаги оилани яратиш мақсадидаги ўзаро келишилган, бутун умрга мўлжалланган иттифоқдир”. Никоҳ ва оила бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар.

Оила муқаддасдир. Жамият унга ғамхўрлик қилади. Никоҳ шартлари. Ўзаро никоҳ тузишни истаган шаклларнинг никоҳ ёшига етиши. Никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розиликлари. Никоҳ ёши. Никоҳ тузишга қаршилиқ қилиши мумкин. Тиббий кўрикдан ўтиш. Никоҳ тузиш тартиби. Никоҳ тузиш Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи. Никоҳни ажратиш. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш. Никоҳ шартномаси. Эр ва хотиннинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Эр-хотин мулкисининг қонуний тартиби. Никоҳ бекор қилиниши.

Эр ва хотин мол-мулкисининг шартномавий тартиби. Никоҳ шартномаси ажратишга олиб келмайди, лекин никоҳнинг ажратилиши никоҳ шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади. Ота-оналик ва унинг ҳуқуқӣ оқибатлари Боланинг асосӣ ҳуқуқлари қўйидагилар. Вояга етмаган болаларнинг мулкӣ ҳуқуқлари. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Алимент мажбуриятлар. Оила Кодекси. Оила, ота-она, фарзандлар, оила ва давлат, никоҳ, никоҳ томонларининг тенглиги, эр-хотин, никоҳ шартномаси, алимент.

Таянч иборалар:

Оила, оила ҳуқуқи, никоҳ, никоҳ шартномаси, никоҳ тузиш, никоҳни бекор қилиш, ота-оналик ҳуқуқи, фарзанд ҳуқуқи, алимент мажбуриятлари.

8-МАВЗУ: ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚЛАРИ АСОСЛАРИ.

Экологик ҳуқуқ унинг ташкилий асослари . БМТ низоми ва халқаро инсон ҳуқуқлари принципларига мос келувчи «XXI аср кун тартиби» стратегик дастурининг 3-тамойилида «Ривожланиш ҳуқуқига шундай риоя қилиниши лозимки, бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқи ва тараққиёт соҳасидаги эҳтиёжларини тенг равишда таъминлаб берсин» дейилади.

Фуқаролар экологик ҳуқуқларининг тамоилий-ҳуқуқӣ асоси деганда фуқароларни хавфсиз ва қулай табиат муҳитга бўлган талабини қондириш борасида давлат, жамоа ва мансабдор шахсларнинг экологик муносабатларни

тартибга солишдаги юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ҳаракатлари мажмуасини тушунамиз.

Табиатни муҳофаза қилиш органлари, Давлат экологик экспертизаси жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий таъминлашнинг алоҳида шакли. Экологик экспертиза Экологик суғурта тизими «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун». Аҳолига экологик таълим-тарбия бериш фуқароларнинг экологик ҳуқуқини аниқ таъминлашнинг ишончли кафолатларини яратишда муҳим имкониятдир. Экологик ҳуқуқ объектлари. Истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурларига табиат ресурслари дейилади. Давлат миллий табиат боғлари. Давлат табиат ёдгорликлари. Экологик меъёрлаш тизими.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлик. Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий жавобгарлиги – бу ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий жавобгарлик учун мансуб барча шакллар, усуллар ва шартлар ҳам унга хосдир. Шунинг билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузгалиги учун қўйидаги маъмурий жавобгарлик турлари қўлланиладигарима солишмаъмурий тартибни бузишга сабабчи бўлган қуролларни олиб куйиш. Қонунга хилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабабчиси бўлган қуролларни мусодара қилишмаъмурий қамоққа олиш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилиб берилган.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликлар қўйидаги ҳолатларда содир бўлади. Ер қонунчилиги. Ердан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қароридан:

Таянч иборалар:

Экология ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ объектлари, экологик ҳуқуқбузарлик, экологик ҳуқуқий жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилиш.

9-МАВЗУ: ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси. Жиноят ҳуқуқи — қилмишнинг жиноийлигини ва жазоланишини белгиловчи нормаларни, жиноий жавобгарлик асосларини, жазо тизимини, уларни тайинлаш тартиби ва шартларини, шунингдек, жиноий жавобгарликдан ва жазоланишдан озод қилиш асосларини акс эттирувчи ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқи предмети. шахсга қарши жиноятлар жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар- жиноят қонуни билан таъқиқланган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлар.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини сақлаш ва ҳимоя қилиш Шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва ижтимоий хавфсизликни муҳофаза этиш Жиноий тажовузлардан фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлаш Инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш. Жиноятларнинг олдини олиш.

Жиноят ҳуқуқининг функциялари. Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқнинг бир қанча бошқа соҳалари, жумладан, жиноят-процессуал ҳуқуқи, ахлоқ тузатиш меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир.

Жиноят қонунлари. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунлари Жиноят Кодекси ҳамда айрим жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунлардан иборатдир. Жиноий жавобгарлик. Жиноят тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 14-моддасида “Айбли ижтимоий хавфли қилмиш(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди биланг жиноят” деб белгиланган. Жиноятнинг белгилари:

Жиноий жавобгарлик. Жиноят таркиби. Жиноят таркибининг элементлари. Жиноят объектив белгилари. Жиноят субъекти

Жиноятнинг субъектив томони. Унинг белгиларига қўйидагилар киради, айб, айб шакллари, сабаб,мақсад.

Жиноятлар таркиблари.Ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ равишда жиноят таркиблари қўйидаги турларга бўлинади. Жиноятда иштирокчилик. Жиноятда иштирокчиларнинг турлари. Жиноий жазо тушунчаси ва турлари. Жиноий жазоларнинг саккиз тури мавжуд бўлиб жарима- муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ахлоқ тузатиш ишларихизмат бўйича чеклашлар- ҳибсга олиш- ҳарбий-ижроия қисмида тутиш озодликдан маҳрум этишўлим жазоси.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Суд ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш муносабати билан Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиришлар киритилди, жазолар либераллаштирилди, 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси ҳам бекор қилинади.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади. Яқин келажақда қўйидаги уч йўналишдаги масалаларни ҳал қилиш лозим. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари

Таянч иборалар:

Жиноят ҳуқуқи, жиноят белгилари, жиноят таркиби, жиноят унсурлари, жиноий жавобгарлик, жиноий жазо.

10- МАВЗУ: ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Халқаро ҳуқуқ-тушунчаси. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради. Албатта, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни ажрата билиш керак. Халқаро оммавий ҳуқуқ. Халқаро ҳуқуқ сохалари. Энг қадимги кўриниши – “элчилик ҳуқуқ” деб аталган. XX аср ўрталаридан эса “Дипломатия (ва консуллик) ҳуқуқи” деб юритила бошланган.Халқаро ҳуқуқ институтлар.

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар Бу- халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга ошириладиган ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириш демакдир. Бундай халқаро муносабатларнинг субъектлари давлатлар, халқлар, миллатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари. Маълум тарихий босқичда халқаро ҳаётнинг энг асосий масалалари бўйича халқаро муносабатлар субъектларининг умум қабул қилган ва мужассамлаштирилган ахлоқ нормалари. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТнинг Низомида мавжуд.

Халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномаларни тузиш, амалга ошириш ва тўхтатиш шартини белгилаб берувчи тармоғига халқаро шартнома ҳуқуқи дейилади. Халқаро шартномаларни тузиш икки босқичда амалга оширилади.

Халқаро шартномаларнинг икки асосий шакли. Халқаро шартномаларни қайд этиш БМТ котибиятида амалга оширилади. БМТда қайд этилган шартномалар махсус БМТ ахборотномаларида нашр қилинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини қонунга биноан БМТ котибияти амалга оширади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш орқали ўз мажбуриятларини бажариш назарда тутилади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари фақат халқаро муносабатлар қатнашчилари бўладилар. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш халқаро миқёсида ўзаро келишувлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар асосида вужудга келади.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари. Ҳуқуқ субъекти – ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир. Халқаро ҳуқуқда, унинг миллий ҳуқуқдан фарқига кўра, субъекти тушунчаси бирмунча ўзгача изоҳланади. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг давлат халқаро ҳукуматлар ташкилотлар

Халқаро ҳуқуқ манбалари. Миллий ҳуқуқда қонун қабул қилувчи томонидан қабул қилинадиган қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий нормаларни бузишга

Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳуқуқлари бузилган томонлар давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳуқуқбузар давлатлар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – халқаро ҳуқуқ субъекти учун халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни бузган тақдирда келиб чиқадиган юридик оқибатлардир. Халқаро ҳуқуқ субъектлари жавобгарлиги халқаро қонунчиликни оғишмай бажариш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқдир. Халқаро ҳуқуқда давлатларнинг жавобгарлигига тааллуқли нормалар халқаро ҳуқуқий институтнинг ўзига хос кўринишдир. Бу институт халқаро ҳуқуқ тарихи жараёнида жиддий ўзгарди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ агрессия учун жавобгарлик, мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик беришдан воз кечиш учун жавобгарлик сингари муҳим институтларни ўз ичига олади. Давлатларнинг жавобгарлигини йўлга қўювчи халқаро ҳуқуқ нормалари

Халқаро ҳуқуқ комиссияси. Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар. Халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари инсон шахсиятига хос қадр-қимматдан келиб чиқишини кўзда тутди. Улар унинг эркин тараққий этиши учун қулай ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ устунлиги ва унга риоя қилган ҳолда миллий қонун томонидан ҳимоя қилинмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва дипломатияси. “Мустақиллик ва суверенитет, деб ёзган эди И.Каримов, - жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имконият яратди”.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда фаол иштирокини таъминлашда 1996 йилда қабул қилинган “Консуллик Низоми”, “Дипломатик ходимларга дипломатик даражалар ва рутбалар бериш тўғрисида”ги қонунинг ўрни ва роли беқиёс бўлди.

Таянч иборалар:

Халқаро ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқий муносабатлар, халқаро шартнома, халқаро ҳуқуқ меъёрлари; Халқаро ҳуқуқбузарлик, халқаро ҳуқуқ манбалари, халқаро ҳуқуқ тизими, халқарол ҳуқуқ соҳаси.

“ҲУҚУҚШУНОСЛИК”ФАНИДАН НАЗОРАТ ИШИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ МАСЛАҲАТЛАР.

Бугунги олий ўқув юртлари ўзида чуқур профессионал тайёргарликни, ғоявий-сиёсий етуқиликни мужассамлаштирган, иқтисодий фикрлаш, ташкилотчилик ва техника воситаларидан фойдалана оладиган, юқори маданиятли, хорижий мамлакатлар тилларини биладиган кадрларни таёрлаш.

Талабаларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишда бошқа ижтимоий фанлар билан бир қаторда “Ҳуқуқшунослик”фани ҳам катта роль ўйнайди. “Ҳуқуқшунослик” фанидан билим олишнинг муҳим шакли талабаларнинг реферат тайёрлаши, улар билан амалий машғулот дарсларида ва назарий конференцияларда ўз фикрлари билан чиқиши, назорат иши ёзишдир. Айниқса, сиртдан ўқийдиган талабалар учун назорат олиб бориш усулларида бири – бу ёзма ишидир.

УСЛУБИЙ ТАЛАБЛАР.

Хар бир талаба ўз шифрига қараб мавзуни танлайди. Масалан, 4023. Демак , талаба охириги икки рақамга, яъни 23 рақамига тегишли бўлган вариантни (мавзуни) олиши керак.

Бу ерда 8-мавзу ёки вариант мақсадга мувофиқ бўлади.

Талаба 24 варақли дафтарга мавзуни, саволларни, адабиётлар рўйхатини, саволларга тегишли мазмунли, тўғри жавобни ёзиб топшириши. Мазмунсиз, чала ёзилган назорат ишлари эгаларига қайтарилади ва қоникарсиз баҳоланади.

Дафтарнинг юзига талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми, рейтинг дафтарчасининг шифри ва мутахассислиги, манзилгоҳи акс эттирилиши лозим.

НАМУНА:

с/б 11-06 ТМЖ гуруҳи талабаси

Ортиқов Мадийёрнинг

“Ҳуқуқшунослик”

фанидан ёзган назорат иши.

Ш-2634

Манзилгоҳ: Бухоро шаҳар, А.Дониш кўчаси 15 уй.

Ёзма назорат ишининг ҳажми 22-24 бетлар атрофида бўлиши керак. Ёзма иш икки қисмдан ташкил топади: кўрсатилган адабиётлардан конспект ва режа бўйича мавзунинг батафсил баёни. Ёзма ишда берилган адабиётларнинг асосий мазмуни ўз аксини топиши лозим.

Ёзма иш чиройли, тушунарли ва грамматик хатолардан ҳоли бўлиши шарт. Сессия бошланмасдан аввал талаба ўз ишининг натижасини билиши зарур, чунки назорат иши қониқарли баҳоланмаган тақдирда, назорат иши талабага қайтарилади ва у қониқарсиз баҳоланган назорат ишини қайта ишлаб яна жўнатиб юборишга вақт қолиши керак, акс ҳолда деканат томонидан сессия бошланиши билан бу ишга чек қўйилади.

Назорат ишлари қўйидаги ҳолларда қониқарли баҳоланмайди:

1. Ҳажми жиҳатидан талабга жавоб бера олмаса:
2. Назорат иши дарслик адабиётини бошдан охиригача кўчирган бўлса, яъни фикрларда мантиқий боғланиш бўлмаса, сўзлар қисқартирилган бўлса:
3. Назорат иши ўз мавзуси асосида ёзилмаган бўлса:
4. Назорат ишини ёзишда сиёсий хатоликларга йўл қўйган бўлса ва хоказо. Ўз вақтида мазмунли, чиройли, бехато ёзилган назорат ишлар муаллифларига кафедра аъзолари ўз миннатдорлигини билдиради.

“ХУҚУҚШУНОСЛИК”

ФАНИДАН БАҲОЛАШ МЕЗОНИ.

“Хуқуқшунослик” фанидан олинган билимларни назорат қилишнинг муҳим шакллари талабаларнинг реферат тайёрлаши, улар билан амалий машғулотлар ўтказиш, назарий конференцияларда чиқиши ва назорат иши ёзишидир. Айниқса, сиртдан ўқийдиган талабаларни билим даражасини назорат қилиш усуллари “Хуқуқшунослик” фанидан дан асосийси – бу ёзма назорат ишидир.

